



МУРАДСИМ
ХЭМ
УЗЛИКСИЗ БИЛГИМДЕНДИРИҮ

олимий-методикалық журнал № 1/1



Нөкис - 2022



МУГАЛЛИМ ҲАМ ҰЗЛИКСИЗ БИЛИМЛЕНДИРИҮ



ISSN 2181-7138

№ 1 2022 жыл

Илимий-методикалық журнал

Редактор:

А. Тилесенов

Редколлегия ағзалары:

Макәсіт АЙЫМБЕТОВ
Нагмет АЙЫМБЕТОВ
Кеңесбай АЛЛАМБЕРГЕНОВ
Дишишхұжа АЙТБАЕВ
Гулбахар АБЫЛОВА
Өсөрбай ӘЛЕҮОВ
Аскар ДЖУМАШЕВ
Гүлнара ЖУМАШЕВА
Батыrbек КАНПЕРГЕНОВ
Амангелди КАМАЛОВ
Сарсен КАЗАХБАЕВ
Гулмира КАРЛЫБАЕВА
Сабит НУРЖАНОВ
Уролбай МИРСАНОВ
Арзы ПАЗЫЛОВ
Зухра СЕИТОВА
Айдан СУЛТАНОВА
Тажибай УТЕБАЕВ
Ризамат ШОДНИЕВ
Ойбахор ШАМИЕВА
Бекзод ХОДЖАЕВ
Дүстназар ХИММАТАЛИЕВ
Гузрухсөр ЭРГАШЕВА

Шолжемлестириушілер:

Қарақалпақстан Республикасы
Халық ғылымленидериү
Министрлігі, ӨЗПИИИ
Қарақалпақстан филиалы

Өзбекстан Республикасы
Министрлөр Кабинеті
жанындағы Жөндарғы
Аттестация Комиссиясы
Президиумының 25.10.2007
жыл (№138) карары менен
дизимге алынды

Қарақалпақстан Баспа соз ҳам
хабар агентligи тәрепинен
2007-жылы 14-февральдан дизимге
алыны №01-044-саылы гүйалық
берилген.

Мәнзил: Нокис қаласы,
Ерназар Алакөз көшеси №54
Тел.: 224-23-00
e-mail: uzniipnkkf@mail.uz,
mugallim-pednauk@mail.uz
www.mugallim-uzliksiz-bilim.uz

Журналга келген мақалаларга жууап қайтарылмайды, журналда
жәрияланған мақалалардан алынған узиндер «Мугаллим ҳам ұзликсиз
билимленидериү» журналынан алынды, деп корсетилиүи шарт. Журналга 5-6 бет
квлеминдеги материаллар еки интервалда *TIMES NEW ROMAN* шриф тинде
электрон версиясы менен бирге қабыл етиледи. Мақалада көлтирилген
маглыұматларга автор жууапкер.

МАЗМУНЫ**ТИЛ ҲЭМ ӘДЕБИЯТ**

<i>G'anibayeva B., Abduraxmanov M. Tilimizdagи omonim so'zlarning ahamiyati va tahlili.....</i>	4-8
<i>Юсупова Ф.М. Рус тили фани ўқитувчисида маданиятлараро мулоқот компетенциясини шакллантиришининг ўзига хос хусусиятлари.....</i>	8-15
<i>Нарманов А.Х. Болалар нутқини ривожлантириши илмий-педагогик муаммо сифатида.....</i>	15-19

ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ

<i>Ботирова Ш.И. Принцип социального партнерства в преподавании инновационного кластера педагогического образования</i>	20-23
<i>Tashtemirova S.A., Tashtemirov R.A. Pedagogical approaches in education and their importance.....</i>	24-30
<i>Жабборова О.М. "Тарбия" фани ва унга оид меъёрий ҳужжатлар</i>	30-36
<i>Дусчанова Н.С. Шахсга йўналтирилган ёндашув афзалликлари</i>	36-42
<i>Azimov D.G'. Imkoniyati cheklangan bolalarni o'qitish va tarbiyalashda musiqaning motivatsion va didaktik imkoniyatlari</i>	42-47
<i>Tashpo'latova D. Integratsiya asosida ta'lif samaradorligini oshirish usullari</i>	47-52
<i>Raxmonov N.B. Inson hayoti xavfsizligini ta'minlash masalasida pedagogik ta'lif-tarbiya zarurati</i>	52-58
<i>Kurbanova F.K. Chet tilini o'qitish sharoitida bo'lajak o'qituvchilarning madaniyatlararo kompetensiyasini rivojlantirish usullari.....</i>	58-66
<i>Shaymatov J.N. Ofitser-o'qituvchining kasbiy-pedagogik kompetentligini rivojlantirish asosida innovatsion faoliyatga tayyorlash.....</i>	66-72
<i>Eshqoraev Q.A. Masofaviy ta'lif modellari va uning xususiyatlari.....</i>	72-78

МИЛЛИЙ ИДЕЯ ҲЭМ РУЎХЫЙЛЪҚ ТИЙКАРЛАРЫ, ТАРИЙХ, ФИЛОСОФИЯ

<i>Мусурмонов Р., Мусурмонова М. Талабаларга Ал-ҳаким ат-Термизийнинг илмий-педагогик меросини ўргатиш замон талаби</i>	79-85
<i>Ахмаджонов Д.Б. Герменевтик ёндашув асосида бағрикенглик компетенциясини ривожлантириши</i>	85-89

ФИЗИКА, МАТЕМАТИКА, ИНФОРМАТИКА

<i>Исмаилов А.А. Роль мультимедийных технологий в преподавании физики.....</i>	90-94
--	-------

БАСЛАЎЫШ КЛАСС, МЕКТЕНКЕ ШЕКЕМГИ ТЭРБИЯ

<i>Эшманова Н. Бошлангич синф ўқувчиларида ёзма нутқни такомиллаштириши тизими.....</i>	95-99
---	-------

ФИЗИКАЛЫҚ ТЭРБИЯ ҲЭМ СПОРТ

<i>Мардонов Ш.К., Абдувайитова Д. Ўсмирларда спорт эстетикасига оид тасаввур ва қизиқишиларини шакллантириши.....</i>	100-106
---	---------

SUMMARY

This article describes the specifics of the formation of intercultural communication competence in Russian language teachers in terms of pedagogical higher education institutions. A model of educational-information environment for the formation of intercultural competence in Russian language teachers has been developed.

БОЛАЛАР НУТҚИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИЛМИЙ- ПЕДАГОГИК МУАММО СИФАТИДА

Нарманов А.Х.

Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти докторанти

Таянч сўзлар: Риторика, стратегия, оналар мактаби, ақл ва нутқ, Мурожаатнома, “Янги Ўзбекистон”, “Учинчи Ренессанс”.

Ключевые слова: Риторика, стратегия, школа матерей, разум и речь, Обращение, “Новый Узбекистан”, “Третий Ренессанс”

Keywords: Rhetoric, strategy, school of mothers, mind and speech, Address, “New Uzbekistan”, “Third Renaissance”

Кейинги йилларни жамиятимизда туб ўзгаришлар, ислоҳотлар даври дейишимиз учун етарли асослар бор. 2017 йилда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси” 2017-2021 йилларда мамлакатимизни комплекс ривожлантириш, шунингдек, юрт тараққиётини таъминлашнинг устувор жиҳатларини белгилаб берган дастур бўлиб хизмат қилди. Шубҳасиз, 2017-2021 йиллар мамлакатимиз тарихида “Янги Ўзбекистон” жамиятини барпо этиш ва “Учинчи Ренессанс” пойдеворини қўйишдек улуғвор мақсадларга киришилгани билан қолади. Амалга оширилаётган ислоҳот ва ташаббусларнинг аниқлиги, стратегик аҳамияти ва қамрови нафақат маҳаллий, балки халқаро эксперtlар томонидан ҳам эътироф этилмоқда.

Ислоҳотлар контекстида таълим ва фан соҳасига бўлаётган эътибор алоҳида эътирофга лойиқ. Кейинги беш йил давомида барча турдаги таълим босқичларини тубдан такомиллаштириш бўйича бир қатор Президент фармони ва қарорлари қабул қилинди. Қабул қилинган бу хужжатлар амалий жиҳатдан ҳаётга яқинлиги билан ажralиб туради.

Мамлакатимиз Президентимизнинг 2017 йилда Олий Мажлисга қилган Мурожаатномасида: “Бугун биз давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларини тубдан янгилашга қаратилган инновацион ривожланиш йўлига ўтмоқдамиз. Янги фикр, янги гояга, инновацияга таянган давлат ютади. Унинг учун мия қобилиятини ривожлантириш омилларини пухта таҳлил қилиши зарур. Биз улуғ боболаримизнинг муносиб давомчилари бўладиган етук инсонларни

тарбиялаш масаласига, афсуски, етарлича аҳамият бермадик. Нодир талант эгаларини тарбиялаб камолга етказиш ҳал қилувчи аҳамиятга эга эканини унтишига ҳаққимиз йўқ. Ривожланган мамлакатлар бугунги юксак тараққиёт даражасига айнан шунинг ҳисобидан етгани – бу ҳам ҳақиқат” [1], деб таъкидланган.

Албатта, янги фикр ва янги ғояни амалга оширишда сиёсий, иқтисодий ислоҳотлар билан бир қаторда баркамол авлодни вояга етказиш, уларга жаҳон андозаларига мувофиқ таълим ва тарбия бериш масалалари мухим аҳамият касб этади.

Таълим муассасаларида, хусусан, умумий ўрта таълим мактабларида ўқувчиларнинг коммуникатив компетенцияларини шакллантириш, нутқий кўнкимларини ривожлантириш компетенциявий ва шахсга йўналтирилган таълим технологияларининг мухим масалаларидан ҳисобланади. Коммуникатив компетенциялар ўқув фанини пухта ўзлаштириш, ижтимоий муносабатларга киришиш, танқидий ва ностандарт тафаккур тарзига эришиш, ўз фикрини аниқ ва тушунарли баён қилиш билан боғлиқ нутқий фаолият маҳсали экан, ўқувчиларда мазкур компетенцияларни шакллантириш ва ривожлантириш масаласига мактабгача таълим даври ва умумтаълим мактабларининг дастлабки босқичларидан катта эътибор қаратиш лозим ва бу, айни пайтда, ўқувчиларда шахсий компетенцияларни шакллантиришнинг энг мухим шартларидан бири ҳамdir.

Бола нутқини шакллантириш ва ривожлантириш масаласи педагогиканинг асосий муаммоларидан бўлиб келган. Дарҳақиқат, болалар нутқининг шаклланиши бир қанча омилларга боғлиқ ва уларни таҳлил қилиш мазкур муаммонинг ечимиға нисбатан тўғри ёндашувни таъминлайди. Мазкур омиллар сифатида оила ва таълим муассасасидаги муҳит, боланинг руҳий ҳолати, имкониятлари, жисмоний саломатлиги, фаоллиги, ахлоқий ва эстетик сифатларини келтириш мумкин. Бола нутқини ривожлантиришда бой фольклор намунларининг ўрнини, шунингдек, халқ оғзаки ижодидаги бир қатор жанрларнинг руҳий ва физиологик таъсир имкониятларини илмий-назарий жиҳатдан асослаш бугунги кун тилшунослик, адабиётшунослик, фольклоршунослик, психология ва педагогика каби фанларнинг долзарб масалаларидан ҳисобланади. Мавзунинг бир неча фанлар кесиши масидан жой олиши унинг кенг қамровли илмий муаммо эканлигини кўрсатади.

Олиб борилган илмий иш ва тадқиқотларни таҳлил ҳамда тавсиф этиш бошланғич таълим ёшидаги болалар нутқини такомиллаштиришнинг илмий асослари ва тадқиқ этиш даражасини аниқлаш имкониятини беради.

Бошланғич таълим ёшидаги болалар нутқини ривожлантириш масалаларини тадқиқ этиш мамлакатимизда ўтган асрнинг 50-йилларида

бошланган. Бошланғич таълим соҳасини биринчилардан бўлиб ўрганган олимлардан А.В.Никольская маҳаллий миллат болаларига рус тилини ўқитиш контекстида муаммони тадқиқ этади. А.В.Никольская томонидан ўтказилган синов тадқиқотлари (1958-60 йиллар) натижасида бошланғич катта ёшли ўзбек болаларига русча оғзаки нутқи ўргатиш методикасининг асосий мазмуни белгиланган ва унинг асосий масалалари ишлаб чиқилган [2].

XX асрнинг 70-йилларида А.В.Никольскаяяning илмий раҳбарлиги остида Е.М.Разбаева томонидан амалга оширилган тадқиқотларда бошланғич таълим ёшидаги болаларда ўқилган асарлар асосида катталар меҳнатига хурматни тарбиялашда фольклор асарларининг ўрни ёритилган [3]. Хусусан, мазкур тадқиқотда меҳнат ва маросим кўшиқлари воситасида ёшларда ижтимоий фойдали меҳнатнинг инсон камолотидаги ўрни, меҳнатнинг мукаммал тарбия воситаси эканлиги, ўзбек халқ оғзаки ижодидан (халқ эртаклари, ўйинлари) фойдаланиш асосида атрофдагиларга адолатли муносабатда бўлишни шакллантириш масалалари ўзбек фольклори намуналари воситасида таҳлил қилинган.

Мазкур тадқиқотлар фольклорнинг инсон маънавий камолотидаги ўрни, хусусан, бола тарбиясидаги аҳамияти нечоғлик катта эканлигини кўрсатади. Дарҳақиқат, “Фольклор барча санъатнинг бошланиши, сарчашмаси, шу сабабли ҳам бошқа кўпгина санъатлар билан уйғунликка эга, шунинг билан бирга ҳеч бирига ўхшамаган ўзига хослиги билан ажralиб турувчи алоҳида санъат туридир. Бу соҳа ўз ичига мусика, рақс, ҳунармандчилик, тасвирий, бадиий ва бошқа санъатлар билан боғлиқ тасаввурларни қамраб олади. Бошқача айтсак, оғзаки ижод халқнинг ўтмиши, бугуни ва келажагини ўзида ифода этувчи, унинг тақдири билан чамбарчас боғлиқ ижодий жараёндир. Шунинг учун ҳам алломаларимиз уни эл адабиёти деб атаган. Бирор бир халқнинг қандай халқ эканлигини билиш учун даставвал унинг фольклорига назар солиш лозим бўлади. Ҳар қандай санъатнинг боши фольклорда, деган гап бугун пайдо бўлган эмас. У узоқ йиллик ҳаётий кузатиш, илмий тажрибанинг ҳосиласи. Ҳақиқатдан ҳам тасвирий, ҳунармандчилик, мусика, рақс, сўз ва бошқа санъат турларининг аввали-боши, юзага келиши бевосита халқ оғзаки ижодига, халқнинг илк тасаввур ва ишончларига бориб тақалади”[4].

Халқ оғзаки ижоди, шубҳасиз, бола тарбиясида, хусусан, уларнинг нутқини ривожлантиришда катта имкониятлар ва жуда бой қадриятларга эга сўз санъати туридир. Хусусан, унинг эртак, афсона, ривоят, тез айтиш, топишмоқ, мақол каби жанрлари ўқувчи-ёшларнинг дунёқарашини, тасаввурини, тафаккур имкониятларини, хотирасини, руҳиятини, нутқини

тарбиялашда бемисл аҳамиятга эга эканлиги мазкур жанрларнинг ўзига хослиги ва ички имкониятларида намоён бўлади.

Ўтган асрнинг охирги чорагидан ҳозирги қунгача бошланғич синф ёшидаги болаларнинг нутқини ривожлантириш, бунга ижобий таъсир кўрсатувчи омиллар маҳаллий олимлар: Ф.Р.Қодирова, Р.М.Қодирова, Г.Х.Жумашева, Д.Р.Бабаева, Д.Абдураҳимова, Л.Р.Миржалирова, Н.С.Нурмуҳаммедова ва бошқалар томонидан муайян даражада ўрганилган.

Ушбу тадқиқотчилар бола нутқи ва унинг ривожланишини алоҳида ажратилган ҳолда эмас, балки катта ёшли кишиларнинг болага педагогик таъсири билан ўзаро боғлиқликда кўриб чиқадилар. Ушбу ёндашув ўринлидир, зеро фандаги замонавий тадқиқотлар нутқнинг шаклланиши ва ривожланиши муайян ижтимоий омилларга боғлиқ эканлигини, бу тафаккур билан боғлиқ, бироқ у стихияли жараён эмас эканлигини кўрсатмоқда. Демак, бола нутқининг ривожланишига таъсир этувчи омилларни тадқиқ қилиш, уларни таснифлаш, уларнинг таъсир имкониятларини ўкув амалиётига жорий этиш механизмларини такомиллаштириш долзарб аҳамиятга эга илмий-педагогик муаммолар ҳисобланади.

Ф.Р.Қодированинг тадқиқотларида[5] мактабгача катта ёшдаги болалар нутқини ривожлантиришда нутқ шаклларидан фойдаланишнинг педагогик-психологик омиллари, болаларга хорижий тилларни ўргатишнинг лингвопедагогик муаммолари, русийзабон болаларга ўзбек тилини ўргатишнинг услубий хусусиятлари каби масалалар ёритилган. Хусусан, болалар нутқини ривожлантиришда уларнинг сўз бойлигини ошириш устида ишлаш, хотирасини кучайтириш, диалогик нутқ шаклидан фойдаланишнинг услубияти, бадиий асарлар, хусусан, халқ оғзаки ижодининг эртак, ривоят, афсона каби насрый жанрларидан фойдаланишнинг услубий ва педагогик хусусиятлари кенг кўламда таҳлил қилинган.

Р.М.Қодированинг тадқиқотларида[6] эса беш-олти ёшли болалар нутқини рус тилини ўқитиши жараёнида ривожлантиришнинг омиллари тадқиқ этилган. Хусусан, болаларнинг нутқини ривожлантиришнинг педагогик-психологик омиллари, болаларга рус тилини диалогик нутқ воситасида ўқитишнинг услубияти, рус тилини ўқитиши жараёнида болаларда байналминаллик ва ватанпарварлик фазилатларини шакллантириш масалалари таҳлил қилинган.

Хулоса ўрнида шуни айтмоқчимизки, умуман, болалар нутқини ривожлантириш масаласи кенг қамровли ва кўп омилли педагогик муаммо сифатида илмий жамоатчиликнинг эътиборини қўпдан бери жалб қилиб келмоқда. Уларда муаммо турли хил аспектларда тадқиқ қилинган. Айниқса, бу борада рус педагог олимларининг хизмати катта бўлиб, маҳаллий

тадқиқотчилар томонидан ҳали амалга оширилиши лозим бўлган тадқиқотлар талайгина. Шубҳасиз, болалар нутқини ривожлантириш маслаласини турли ракурслар орқали тадқиқ қилиниши ўзининг нафақат илмий, балки амалий аҳамиятига ҳам эга. Хусусан, фольклор асарлари воситасида болалар нутқини ривожлантириш масаласининг ҳали кенг ўрганилмаганлиги ушбу муаммонинг долзарблигини, заруратини белгилайди.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисга Мурожаатномаси, 2017 йил 22 декабрь

2. Никольская А.В. Воспитание у детей уважения к труду взрослых на основе бесед о прочитанном / М-во просвещения Узбек. ССР. Узбек. науч.-исслед. ин-т пед. наук. - Ташкент: [б. и.], 1958. - 28 с.; 22 см.

3. Разбаева, Э. М. Воспитание у старших дошкольников уважения к труду взрослых на основе использования бесед по прочитанному: Автореферат дис. на соискание ученой степени кандидата педагогических наук / Ташк. гос. ун-т им. В.И.Ленина. - Ташкент: [б.и.], 1964. - 26 с.

4. Фольклор – миллатнинг боқий тарихи. Фольклоршунос Жаббор Эшонқул билан мулоқот.

5. Қодирова Ф.Р. Мактабгача ёшдаги русийзабон болаларни ўзбекча сўзлашишга ўргатиши. Т., “Ўқитувчи”, 1997.; Қодирова Ф.Р. Мактабгача ёшдаги болаларни чет тилига ўргатишнинг лингводидактик муаммолари. Ж., “Педагогик таълим”, 2002, № 2.; Қодирова Ф.Р, Қодирова Р.М. Мактабгача ёшдаги болаларга иккинчи тилни ўргатиш методикаси. Т., “Сано-Стандарт” 2004.

6. Қодирова Р.М. Мактабгача ёшдаги болаларда диалогик нутқни ривожлантиришнинг психологик омиллари. Сариоғоч, 1998.; Кадырова Р.М. Формирования интернациональных и патриотических чувств у дошкольников и шестилеток-учащихся в процессе обучения их русской разговорной, речи. Номзодлик диссертацияси авторефери. Т., 1990.

РЕЗЮМЕ

Мазкур мақолада болалар нутқини шакллантиришда ғарб ва шарқ нотиқларининг фикрлари улар берган назарий ва амалий тавсияларини ўрганишиб уларнинг нутқка оид фикрлари ва тавсияларини ўқувчи ёшларга етказиш орқали таълим тизимида ҳам ўз самарсини бериши ҳақида фикр юритилади.

РЕЗЮМЕ

В данной статье рассматривается, как мнения западных и восточных ораторов в формировании речи детей могут быть эффективными в системе образования путем изучения их теоретических и практических рекомендаций и донесения их идей и рекомендаций до учащихся.

SUMMARY

This article discusses how the opinions of western and eastern speakers in shaping children's speech can be effective in the education system by studying their theoretical and practical recommendations and conveying their ideas and recommendations to students.